



Тинч ҳаётимизнинг
хушёр ва ҳамиша
огоҳ посбони



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№3
(2331)

2026 йил
14 январь,
Чоршанба

Маҳалла

www.mahalla.uz

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ МАҲАЛЛАЛАРДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга бағишланган онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикасидаги фавкулотда ва мухтор элчиси Фарход Арзиев ҳамда ХХРнинг етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Учрашув давомида 2026 йил — “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да йиғинларни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш борасида Хитойнинг қашшоқликдан чиқиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш юзасидан фикрлар алмашилди. Шунингдек, мулоқотда Хитой давлатининг профессор олимлари, масъул вазирлик ва идораларнинг етук мутахассислари ҳамда



тажрибали тadbirkorлардан иборат бўлган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси хузурида “Маслаҳат кенгаши” фаолиятини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Кенгаш фаолияти доирасида Хитойнинг қашшоқликка қарши курашишда методологик ёндашуви ҳамда амалиётини ўрганади ва бу борада “Маҳалла еттилиги” аъзолари малакасини доимий равишда ошириб боришга қаратилган онлайн ўқувларни ташкил этади. Шу билан бирга, жорий йилнинг март ойида хитойлик олимларнинг Ўзбекистонга ташрифи режалаштирилди ҳамда улар билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича келишувга эришилди.

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП



МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ, МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШДА ИБРАТГА МУНОСИБ НАТИЖАЛАР КўП

Президентимиз Мурожаатномада эришган ютуқларимизни эътироф этар экан, қанчалик оғир бўлмасин, халқимиз ўз машаққатли ва фидокорона меҳнати билан улкан марраларни забт этганини алоҳида таъкидлади. Энг муҳими, ушбу марраларни халқаро ҳамжамият ҳам тан олмакда. Албатта, бу қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Мурожаатноманинг энг муҳим ва ўзига хос қисмларидан бири — маҳалла институтига берилган стратегик аҳамиятдир. Президентимиз маҳаллани нафақат ижтимоий тузилма, балки миллий давлатчилик анъанасига асосланган ўзини ўзи бошқариш институти

Хаётимизда бўлаётган катта-катта ислохотларнинг қадрини, мазмун-моҳиятини теран англашимиз, қадрига етишимиз керак.

ти сифатида таърифлайди: “Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади”. Бу фикр маҳалланинг ижтимоий капитал яратишдаги ўрнини кўрсатади. Нурунийларнинг бир вакили сифатида давлатимиз раҳбарининг 2026 йилга мўлжалланган устувор йўналишларга оид фикрлари, ташаббусларини тинглаб, очиғи, Навоий вилоятида, маҳаллалари-

да ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар, ислохотлар кўз олдимда бирма-бир гавдаланди. Дарҳақиқат, Президентимиз 2024 йилда ҳудудга ташрифи чоғида буюк бобомиз номи билан аталадиган Навоий вилояти маънавий тарбия, маърифий юксалиш йўлида барчага ўрнак бўлиши кераклигини қайд этганди.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

15 январь — Аҳолини рўйхатга олишнинг Биринчи куни!

Ўзбекистон Республикасида 2026 йил 15 январь — 28 февраль кунлари аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади.

Бу — мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ва хўжалик ҳақида аниқ маълумот туپлаш, келгусидаги ижтимоий-иқтисодий режаларни белгилашда муҳим қадам ҳисобланади.

Рўйхатга олиш 2 босқичда амалга оширилади:

1-босқич (15-31 январь) —



17 кун давомида фуқаролар “census.stat.uz” сайти орқали One-ID тизими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш имконига эга бўлади. Бу қулай, тез ва замонавий усул бўлиб, уйдан чиқмасдан рўйхатда қатнашиш имконини беради;

2-босқич (4-28 февраль) —



“маҳалла еттилиги” аъзолари уйма-уй юриб, планшетлар орқали рўйхатга олиш жараёнларини амалга оширади. Бу босқичда ҳар бир хонадонга борилиб, шахсий маълумотлар аниқланади.

Рўйхатда фуқаролардан ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан жами 71 та савол бўйича маълумот олинади:

- аҳолига оид — 54 та савол (ёш, таълим, иш билан бандлик, яшаш шароити ва ҳ.к.);
- қишлоқ хўжалигига оид — 17 та савол (ер майдони, чорва сони, экин турлари ва ҳ.к.). Маълумотлар махфийлиги кафолатланади. Бир киши бутун оиласи учун рўйхатга олиш саволномасини тўлдирishi мумкин. Шахсга доир маълумотлар қонун билан муҳофаза қилинади. Саволнома натижалари бошқа идораларга тақдим этилмайди ва фақат статистика таҳлил учунгина ишлатилади.

Нима учун бу муҳим? Рўйхат натижалари давлатга аҳолининг ҳақиқий сони ва таркиби ҳақида аниқ тасаввур беради. Янги иш ўринлари, мактаблар, шифохоналар ва инфратузилмаларни режалаштиришда асос бўлади. Қишлоқ хўжалигидаги ресурсларни тўғри тақсимлаш имконини яратади.

Шундай экан, барча маҳалладошларимизни мазкур муҳим жараёнда фаол иштирок этишга чорлаймиз!

4-саҳифа

Жабр эмас,
меҳр
туйиб
улғайса
гўдак...



Иш ва оила
масъулияти
ирода ва
матонатдан
далолат



6-саҳифа

Ҳар қандай
жаримадан,
аввало,
кўмак афзал



7-саҳифа



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ХАВФСИЗЛИК КЕНГА-ШИнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти фаолиятининг келгусидаги вазифалари ва режалари юзасидан тақдирот билан танишди.



“УМРА ПЛЮС” ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ дастурини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ”

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ, МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШДА ИБРАТГА МУНОСИБ НАТИЖАЛАР КЎП



Шабон НАБИЕВ, “Нуроний” жамғармаси Навоий вилояти бўлими раиси.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Аслида, Навоий — ҳам ҳудуд, ҳам инфратузилма, ҳам саноат салоҳияти жиҳатидан катта вилоят. Сўнгги саккиз йилда ҳудудда 2,8 мингта кўп қаватли уйлар қурилиб, 41 минг оила янги хонадон соҳиби бўлди. Биргина 400 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой билан таъминланди, уларнинг қувончини, шукронасини, дуосини сўз билан ифодалаш ниятда мушкул. “Энди биз ҳам меҳмон қақирамиз” деган эди ўн мартадан кўпроқ жойда ижарама-ижара яшаган нуроталик ногирон аёл уй-жой калитини олаётиб...

Ўтган йили 60 дан ортиқ янги автотўс олиб келиниб, олдин деярли йўқолиб кетган жамоат транспорти тизими қайта тикланди. Авваллари боғча бўлмаган 85 та маҳаллага мактабгача таълим кириб борди. Қолаверса, 2025 йилда 70 та маҳалланинг инфратузилмаси яхшиланди. 2026 йилда яна 95 та йиғинда бу ишлар бажарилади. Бу дегани, “Инсон қадрини учун” тамойили асосида ислохотлар ҳар бир қишлоққа, олис овуллarga қадар етиб бораётир.

Ваҳоланки, бундан ўн йил муқаддам ҳам Навоийнинг аксарият олис қишлоқлари, овуллари эътибордан четда эди. Масалан, сув йўқлигидан аҳоли қийналар, қиш ойларида, ёгингарчилик мавсумида асфальт қилинмаган йўللarda манзилга зўрга етиб олинарди. Айниқса, болаларнинг мактабга бориб-келиши катта муаммо эди.

Шукрки, у қунлар ортда қолди. Ҳудудда ўтган давр ичида 6,5 минг километр ички йўллар таъмирланди. 85,7 фоиз аҳоли марказлашган ичимлик сув билан таъминланиб, 198 мингта оилага оби ҳаёт кириб борди. Энг муҳими, ўзгаришларни ҳар бир инсон ўз танасида ҳис этипти, унинг фаол иштирокчиси бўляпти.

Яна бир ҳаётий мисол. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, яқинда Нуротага бордим. Туман марказидаги қурилишларни кўриб ҳайратим ошди. Тошкентдан ҳеч фарқ қилмайдди. Бу ҳам майли. Нуротада тоғли қишлоқлар ҳам кўп. Яқин-яқингача билганим — бу қишлоқларда одамлар учун энг қулай транспорт от ё эшак эди. Чунки уларда автомобиль йўллари йўқ эди-да. Қаранг, уч-тўрт йил ичида бу манзилларга бориш учун шундай раво йўллар қурилибди, кўриб ҳавас қиласиз. Беихтиёр “Ҳа, бўлар экан-ку”, дейсиз.

Ҳар бир оила эътиборда бўлган яна бир жиҳат ҳақида ҳам айтмасак бўлмас. Бугун давлатимизнинг халқ-

чил сиёсати ҳар бир оилага кириб борапти. Гап шундаки, Президентимиз одамлар томорқасидан даромад олишигача эътибор берапти. Бу шунчаки оддий гап эмас. Бунинг замирида улкан фидокорлик турганини унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистонда 30-50 йиллаб муқим яшаган ҳамюртларимиз фуқаролик ололмай сарсон, чорасиз эди. Навоийда ҳам уларнинг сони кўпчиликини ташкил этарди. Бугун ана шундай минглаб ҳамюртларимиз Ўзбекистон фуқароси, деган юксак сарафга эришди. “Энди мен ҳам Ўзбекистон фуқаросиман, сайланаман, сайловда овоз бераман”, дея фарзандларини қучоқлаб йиғлаган одамларни кўрдик.

Мажбурий меҳнатга барҳам берилгани-чи? Бу ҳам ниятда катта сиёсий ирода билан амалга оширилди. Мен ўтган асрнинг 50-йилларидан буёғини яхши эслайман. Тогда яшайдиган одамларни ҳам пахта теримига олиб келишарди. Аёллар, болалар зах шийпонларда ётарди. Оқибатда қанчадан-қанча

болалар ногирон туғилди. Қанчадан-қанча авлодни бой бердик. Қарийб бир асрлик бу тизимга бир уринишда, битта сиёсий ирода билан ортга қайтмас тарзда барҳам бериш осон иш эмас эди. Шукрки, бунини урдаладик.



“Боғбон бўлмай билмас гулнинг қадрини, ари боқмай билмас болнинг қадрини”, дейди халқимиз. Шу боис биз ҳаётимизда бўлаётган катта-катта ислохотларнинг қадрини, мазмун-моҳиятини теран англашимиз, қадрига етишимиз керак. Шундагина жамиятимизда ҳамжиҳатлик муҳити янада мустаҳкамланади. Шундагина ислохотларимиз руҳи ва шукҳи бугунгидан-да файзли бўлади.

Бугун ҳаётимизда таҳлиллар ва таққослар кўп. Ҳар бир қуниимиз яхши янгилик билан тўла. Бу ҳам бежиз эмас. Боиси, ислохотлар тўхтаб қолмапти, аксинча, жадал давом этаёпти. Янги Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш борасида амалга оширилаётган катта ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гапирганда, бу каби олижаноб мақсад замирида “Инсон – жамият – давлат” деган буюк гоёнинг ҳаётий ифодасини кўрамиз.

Бу келгусида янги тараққиётга замин яратиш йўлидаги буюк ишонч руҳидан дарак беради. Мана шунинг учун ҳам биз давлатимиз раҳбари бошчилигида тнлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизга ва мақсадларимиз, албатта, рўёбга чиқишига ишонамиз.

МАҲАЛЛА ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИДА

“ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ҲАФТАЛИГИ” ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг тегишли қарори билан “Республика маҳаллаларида “Ижтимоий профилактика ҳафталиги”ни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ижтимоий профилактика ҳафталиги” бир ойда бир мартаба ўтказилади. Бу ҳафтаён кримноген вазияти оғир, уч ва беш йилдан буён “қирил” тоифада қолаётган, аёллар жиноятчилиги, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар жиноятчилиги ҳамда судда низолашаётган оилалар салмоғи энг юқори бўлган маҳаллаларни қамраб олади.

Ҳафталик доирасида аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар берилади, муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилади. Маблағ билан боғлиқ масалалар тегишли ташкилотлар, банклар ёрдамида ҳал этилади. Ишсизларга тадбиркорлик бўйича бизнес лойиҳалар таклиф қилиниб, бошланғич харажатларига қўмак кўрсатилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри даражасидаги раҳбарларнинг шахсий қабули (ҳар бир туман (шаҳар) да) ташкиллаштирилади. Меҳнат, банк ва ижтимоий хизматлар ярмаркалари ўтказилади.

Маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзига тарғиб қилиш ва маданий ҳордик чиқаришга қаратилган тарғибот тадбирлари аҳоли сони ва жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, бештагача маҳаллани бирлаштирган ҳолда ўтказилади. Адлия, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар қўмағида “Маҳалла еттилиги” учун ижтимоий профилактика бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглар ташкил этилади.



Қиш ойларида етиштирилган лимонлар маҳсулоти 12 даража илқ ҳароратда сақланиб, янги ҳосилга қадар ўз сифатини йўқотмайди. Иссиқхонада сувни тежаш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида томчилатиб сўғириш тизими жорий этилган. Шунингдек, лимон қўчатлари касалликлардан асраш учун мунтазам агротехник парваришдан ўтказилади.

Қўшимча даромад манбаи сифатида ўтган йил декабрь ойи охирида лимон қўчатлари орасига қизил лавлаги экилган бўлиб, унинг ҳосили март ойида йиғиб олинади. Исмаилоқ, кашнич ва саримсоқлиёз етиштириш ҳам хонадон аъзолари учун муҳим қўшимча даромад ҳисобланади. Яқинда мазкур оилага 60 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағ эвазига музлаткичли мева-сабзавот сақлаш омбори қуриш режалаштирилган.

Умуман олганда, ҳудуд имкониятидан келиб чиқиб, сайловолди дастуримизда режалаштирилган ишлар маҳаллада босқичма-босқич йўлга қўйилляпти. Уларни йиғин аҳли билан ҳамжиҳатликда олиб бораёмиз.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Зиёли беканинғ хонадони файзли, фарзандлари билимли бўлади

“Ғўслик” — туман марказида жойлашган қадимий маҳалла. Аҳолининг учдан бир қисми зардўзлик билан шуғулланади. Асосан, зарчопонлар ва келинлар либослари тикилади. Маҳсулотлар Ургут тумани ва Самарқанд шаҳридаги базорларда сотилади.

Сабоҳат НУРУЛЛАЕВА, Ургут туманидаги “Ғўслик” маҳалласи раиси.

Ҳудудда 3 470 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аксариятини аёллар ташкил этади, уларнинг асосий машғулотини — хунармандчилик. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, маҳаллада ана шу йўналишни “драйвер” соҳа сифатида белгиланганмиз.

Гуллира Маматқулова — фаол аёллардан бири. У қўли гул хунаранд, зардўзлик билан шуғулланади. Шу билан бирга, бу хунарни маҳалладаги бошқа хотин-қизларга ўргатади. Яқинда йиғиндаги бўш турган хона Гуллирага ижарага берилди. Бу ерда Маҳаллалардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази ташкил этилди. Марказда аёллар зардўзлик қилишади ёки буюртма асосида уйларида ишлашади. Бу уларга жуда қулай, ҳам рўзғор юритишади, ҳам ишлаб, қўшимча даромад қилишади.



Бундай масканларнинг аёллар учун қулайлиги — улар бошқа жойга бормай, ўз маҳалласида ишлайди, болалари кўз олдидан бўлади, рўзғор юмушлари билан бир пайтда бирор-бир хунарни ёки касб билан машғул бўлади. Аёллар банд бўлса, биринчидан, рўзғори учун қўшимча даромад қилади, эри билан бирга оиласини мустаҳкамлаш учун ҳаракатда бўлади. Иккинчидан, ишли, хунарни оилаларда ажралишлар юзга келмайди, барқарор муҳит ҳукм сурлади.



“Ғўслик тажрибаси”дан келиб чиқиб айтманки, маҳаллада соғлом муҳитни яратиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда, энг аввало, аёлларни ўқитиш, хунарни, ишли қилишга эътибор қаратиш зарур экан. Қанча кўп аёллар илм олиб, касб-хунарга эгалласа, жамиятдаги аксарият муаммоларга ечим топилади.

Хўш, аёлларни ўқитиш жамиятга нима беради? Бу, аввало, жамиятнинг иқтисодий ривожига хизмат қилади. Касб-хунарни аёл иш ҳақи олади, маҳсулот ишлаб чиқаради, хизматлар кўрсатади. Таҳлилларга кўра, аёллар ўз даромадларининг 90 фоизини фарзандларининг таълим олиши, қийиниши ва жамиятда ўрнини топиши учун сарфлар экан. Мана шунинг ўзиёқ қизларни ўқитиш, касб-хунарни қилиш учун сабаб бўла олади аслида.

Қизларнинг ўқиши нискоҳ ёшига ҳам таъсир кўрсатади ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлайди. Аёллари зиёли оилани иқтисодий муаммолар қамроқ юзга келади. Маблағлар ўз ўрнида сарфланади. Тўғри, аёл ўқиб, шаҳарлар олиб бермас, хунарга ўрганиб, мўмай даромад топадиган тадбиркор бўлиб кетмас, лекин илмли, хунарни аёл билимли фарзандларни вояга етказиши, уларга ёшлиқдан хунарга ўргатади, жамиятда ўз ўрнини топишига қўмаклашади.



Ўзбекистонда
ХУСУСИЙ ВА
МЕРОС ФОНДЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
ТАРТИБИ
БЕЛГИЛАНАДИ.



Аэропорт,
вокзал ва
автостанция номлари
ДАВЛАТ ТИЛИ
ҚОИДАЛАРИГА
мослаштирилади.



“КРЕДИТГА ТАҚИҚ”
ХИЗМАТИдан
фойдаланиб кредит
олишни ўзига ўзи
ман этган жисмоний
шахслар сони
438 минг 322 нафарни
ташkil этди.

2026 йил
14 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№3

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ЭРТАНИНГ ҚИЁФАСИ “ЕТТИЛИК” ТАШАББУСИГА БОҒЛИҚ

Болалигимдан ота-онам бир ишга киришганда, астойдил ҳаракат қилиш кераклигини кўп ўқтиришган. Бу одамларнинг ишончини қозониш, катта-катта натижаларга эришиш ҳамда жамият ривожига муҳим аҳамият касб этишини энди тушуниб етгапман. Маҳалла тизимидаги тўрт йиллик фаолиятим давомида ота-онамнинг ўғитларига таяниб, фуқароларнинг мушкуллари энгиллаштириш учун тинимсиз ҳаракатдаман.

Фарҳод БАСТАМОВ,
Арносой туманидаги
Ғафур Ғулом номидаги
маҳалла ҳоким ёрдамчиси.

Дастлаб ишни Арносой туманидаги “Тинчлик” маҳалласида бошладим. Кудудда аҳоли қизиқишидан келиб чиқиб, иссиқхона йўналиши-

булиб бораверар экан. Бу эса кейинги режаларга қанот бағишлайди. Шу маънода 2023 йил “Маҳалла ифтихори” кўрак нишони билан тақдирланганим кучимга куч, ғайратимга ғайрат бағишлади.

2025 йилда фаолиятимни шу тумanning “Бўстон” маҳалласида бошладим. Ўтган йили ҳудуддаги 13 гектар майдонда экспортбоп “сариқ қовун” ва 5 гектар майдонда мош, 6 гектарда брокколи етиштирилиб, хорижга экспорт қилинди. Аҳоли томорқаларида қурилган 2,2 гектар иссиқхонада ихтисослаштирилган помидор маҳсулоти доимий экин турига айлантирилди.



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш мақсадида ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар билан манзилли ишлар олиб борилди. Аҳоли вакиллари тadbirkorликка ва туманда яратилган янги иш ўринларига кенг жалб қилиш орқали камбағаллик даражасини 17,5 фоиздан 1,9 фоизга камайтиришга эришдик.



ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдик. Томорқаларда етиштирилган янги нав булғор қалампири бугунга келиб Россия ва Қозғистонга экспорт қилин-япти. Бу тажриба вилоят миқёсида кенг тарғиб қилиниб, бошқа маҳаллаларда ҳам секин-аста йўлга қўйилляпти.

Бундан ташқари, “еттилик” вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллада кўзқоринчилик, каврак етиштириш, паррандачилик, балиқчилик, ўрдакчилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ҳам юқори кўрсаткичларда ривожлантиришга эришдик.

Инсон қанча кўп изланса, ташаббус кўрсатса, шунга муносиб равишда эътирофга сазовор

Кейинги иш жойим — Ғафур Ғулом номидаги маҳалла бўлди. Бу ерда биринчи навбатда, уйма-уй юриб хонадонларни хатловдан ўтказдик. Қисқа давр ичида аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширдик. Мавжуд 1 041 та ҳўжаликнинг 30 фоизиди тўксонбости экинлар экилди. Қолаверса, бир йил давомида ўнга яқин оилавий тadbirkorлик субъектлари ташкил этилди.

Ишонч билан айта оламankи, маҳалланинг эртаси, фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши кўп жиҳатдан биз — “еттилик” вакиллариининг ташаббускорлиги ва саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шундай экан, олға интилишдан тўхтамаймиз!

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ — АҲОЛИ КЎМАКЧИСИ

Хато қилишдан эмас, тўхтаб қолишдан кўрқинг!

Одатда, бирор ишни бошлаш қийин туюлади. Бошлаб олгандан кейин жараёнга тушасиз ва ўз устингизда ишлай бошлайсиз, қийинчиликларни секин-аста енгитишга ўрганасиз. Менда ҳам шундай бўлган. Умумий ҳолатни ўрганиш учун уйма-уй юриб хатлов ўтказдик. Шундан кейин аниқланган муаммолар ечими устида тизимли ишлар бошланди. Муаммоларни ҳал қилиш бўйича икки йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини тузиб, босқичма-босқич ишладим.



Илёс МУРОДОВ,
Булунғур туманидаги
Фозил Йўлдош номидаги маҳалла
ҳоким ёрдамчиси.



Яна бир йўналиш — паррандачилик. “Навобот” насли парранда фермер ҳўжалиги билан ҳамкорлик ўрнатилган, улар бир кунлик ҳўжаларни ва ем маҳсулотларини бепул етказиб беради. Фуқаролар ўз хонадониди ҳўжаларни 40 кун давомида боқиб, етилган паррандани фермер ҳўжалигига қайта сотади. Ишсиз фуқароларнинг бандлигини шу каби кооперация усулида таъминлаб келяпмиз.

Маҳалла аҳолиси, асосан, томорқада ва ижара ер майдонларида помидор етиштиради. Қолаверса, табиий қуёш нурида помидор қоқи тайёрлаш йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 150 нафар маҳалла хотин-қизлари ва ёшлар учун мавсумий иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида 60 та микролойиҳа амалга оширилди. Бу орқали 120 нафар киши ишли бўлди. Масалан, Беғали Усмоновга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида 100 миллион сўм, Меҳрож Суяновга юк ташити йўналишида тadbirkorлик қилиш учун 32 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

“БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!”

Томорқада маҳсулот ҳам, даромад ҳам тотли бўлади



Томорқа — ризқ-насиба ва даромад манбаи, уни оқилона юритиш аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Агар ҳар бир оила томорқадан унумли фойдаланса, ўзини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлайди, ортиқча харажатларни тежайди ва қолган маҳсулотни сотиш орқали даромадини оширади.



Шу боис томорқа ва деҳқон ҳўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, меҳнаткаш ва ишбилармонлар эса томорқа орқали мўмай фойда кўрмоқда. Касби туманида ҳам кафтдек еридан самарали фойдаланиб, оиласи фаровонлигини ошираётган миришкорлар кўп.



“Денов” маҳалласи аҳолиси томорқачилик ҳадисини олган. Асли касби ирригатор бўлган Эркин aka Остонов ишдан бўш вақтида оила аъзолари билан мўъжазгина экин майдонидан унумли фойдаланиб, тўкин ҳаёт кечирмоқда. 4 сотих ерда қарам етиштиради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, томорқадан олинган ўтган йилги даромад 10 миллион сўмдан ошган. Ҳамжиҳатликда қилинаётган меҳнат ўз самарасини бермоқда.

Ёр билан тиллашиб, ҳалол меҳнат билан ишлаб топилган даромад баракали бўлади. Хонадон эгалари ҳам даромади ҳисобидан замонавий уй-жойлар қуриб, тўйлар ўтказмоқда.

— Буш вақтимда фарзандлар билан томорқада ишлаймиз. — дейди Эркин aka. — Қарам, шолғом, лавлаги, исмалоқ, шивит, саримсоқпиёз, булғор қалампирдан яхши даромад олдик. Бундан ташқари, 80 тул анжир ҳам мўл ҳосил беради. Маҳсулотларни бозорда ўзимиз сотамиз. Аслида, томорқа ризқ-рўз манбаи. Муҳими, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Даромад меҳнатимизга яраша бўлмоқда. Фарзандларимиз билан эл дастурхони тўкилигини таъминлаш мақсадида меҳнат қиламиз. Дарҳақиқат, меҳнат қилган кам бўлмайди. Туманда томорқасидан унумли фойдаланиб, мўмайгина даромад олаётган тadbirkor оилалар сони кун сайин кўпаймоқда.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Ерга меҳр берилса, барака топилади

Бугунги кунда иссиқхона ҳўжалиги нафақат аҳолининг бандлигини таъминлаш, балки барқарор даромад манбаи сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунини Олот туманидаги “Хосабўйи” маҳалласида истиқомат қилувчи Илҳом Рўзиев фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Қаҳрамонимиз ўз томорқасидаги саккиз сотих ер майдониди барпо этилган иссиқхонада йил давомида турли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириб, мўл ҳосил олмақда. У эрта баҳордан қартошқа, помидор, пиёз, бодринг, булғор қалампир каби сабзавотлар билан бир қаторда ли-

мон, апельсин ва мандарин каби цитрус меваларни ҳам парваришлайди.

— Ерга меҳр берсанг, албатта, барака топасан. Маҳалламизда кўпчилик иссиқхона билан шуғулланаётгани қувонарли. Ўтган йили томорқадан 100 миллион сўмдан зиёд фойда олдик. Меҳнатимиз самарасини кўриб, оиламиз фаровонлиги учун сарфляпмиз. Иссиқхона менга нафақат даромад манбаи балки ҳаётим мазмунига айлانган, — дейди Илҳом Рўзиев.



Бугунги кунда иссиқхонада 70 тул лимон, 30 тул мандарин ва апельсин бутаси етиштириляпти. Шунингдек, помидорнинг “Агра” навиға мансуб 1 200 тул қўчат экилган бўлиб, яқин кунларда ҳосилга киради. Цитрус мевалардан ҳозирғача 1 тоннадан ортиқ ҳосил олиниб, бозор расталарига етказиб берилди. Бундан ташқари, иссиқхона майдонидан унумли фойдаланиб, оила дастурхони учун зарур бўлган сархил қўчатлар етиштириш ҳам тизимли равишда йўлга қўйилган.



Курилиши
саккиз йил
давом этган
Тошкентдаги
ИСЛОМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИ март ойида
очилади.



“МЕНИНГ МАКТАБИМ”
лойиҳасининг
2025/2026 ўқув йилидаги
2-босқичи доирасида
овоз бериш босқичи
бошланди. Жараён
20 январга қадар
давом этади.



2025 йилда
аҳолининг
ИЧИМЛИК ВА
ОҚОВА СУВ
ХИЗМАТЛАРИДАН
қарздорлиги
49 фоизга
қисқарди.

4

Mahalla

№3

2026 йил
14 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ЗЎРАВОНЛИК
ЗЎР ЙИГИТНИНГ ИШИ ЭМАС!

ЖАБР ЭМАС, МЕҲР ТУЙИБ УЛҒАЙСА ҒЎДАК...

Ҳар сафар беш ёшли қизимнинг жажжи қўлларини тутганимда, қалбимда ўзгача ҳислар уйғонади. Аввало, тақдир менга фарзанд аталмиш бебаҳо неъмат ато этганига шукроналар айтаман. Қайноққина тафти билан чинакам меҳрни туяман. Нигоҳларига боққанимда, яшашга бўлган иштиёқим ортади. Қучоқлаганимда эса дунёнинг барча ташишларини унутиб юбораман.



Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” муҳбири.

Аслида, бу ўғил-қиз ўстираётган ҳар бир ота-онага таниш туйғулар. Эртамиз эгаси, ҳаётимиз қувончи бўлган бу мурғак гўдакларни асраб-авайлаш, етук шахс сифатида вояга етказиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун шароит яратиб бериш — зимманимиздаги энг катта инсоний бурчимиздир.

Лекин тақдирлар турфа, феъл-атворлар турлича. Орамизда бахтли турмуш кечираётган кишилар катори ўз йўлини топишда қийналаётган, оиласи пароканда бўлган одамлар ҳам бор. Ачинарли жиҳати эса бундай ҳолатда болаларимиз асосий жабрдийдага айланаётганидир. Айниқса, уларнинг вояга етмай туриб таъзиқ ва зўравонликка учраётгани жуда огриқли ҳолат.

Бу муаммага ечим сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026-2030 йилларда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Стратегиянинг асосий мақсади ҳар бир бола учун хавфсиз муҳит яратиш ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини мустақкам ҳимоя қилишдан иборат. Ҳужжат олти та йўналишдан иборат бўлиб, улар вояга етмаганларни жамият ва оиладаги ҳуқуқларини тиклашга, хавфсиз таълим муҳитини яратишга қаратилган.

Ушбу ҳужжат орқали 2026 йилнинг 1 февралидан зўравонлик натижасида оиласидан олинган ва зўравонлик хавфи остида бўлган, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган болалар учун профессионал тутинган оила хизмати йўлга қўйилади. Бу тажриба дастлаб, Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида, йил якунига қадар республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этилади.

Шу билан бирга, кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари ташкил этилади. 2026 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб, зўравонликдан жабрланган ва зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади.



Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, айни вақтда юртимиз аҳолисининг 30 фоизини болалар ташкил этади. Миллатимиз умиди бўлган фарзандларимизни муносиб тарбиялаш, таълим олиши учун қўлай муҳит яратиб бериш орқали уларнинг келажакда эришадиган ютуқларига замин ҳозирлаган бўламиз.

Фаолиятимиз давомида “еттилик” вакиллари билан мазкур мавзу бўйича кўп суҳбатлашамиз. Улар мисол сифатида келтириётган тақдирлар, яқинларининг меҳру мурувватига муштоқ бўлиб ўсаётган ўғил-қизлар кечмишидан оғир ўйга толамиз. Сабабларни таҳлил қилганимизда, кўпинча эр-хотиннинг ажрашиши оқибатида болаларнинг жабрдийдага айланаётгани, ота-онанинг пул топиш илинжида хорижга кетиб, фарзандларини қаровсиз қолдираётганини кўриш мумкин.

Аслида, ўз яқинларидан меҳр топа олмаган бола яна қимдан эътибор кутиши мумкин? Унинг эртанги куни нима бўлади? Уқиши, касб-корли бўлиши-чи? Ота-онаси ишониб топшириб кетган қайсидир қариндошининг турткилаши билан тўлақонли овқатланмаган, дарсларини ўз вақтида тайёрламаган, мориқиб ухламаган боланинг келажаги қандай кечади? Саволлар огриқли, жавоби эса ҳар бир инсоннинг виждонига ҳавола...



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.

Дилдора ДЎСМАТОВА,
журналист.

Мазкур ҳуқуқий янгилик хотин-қизларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, эрта никоҳ ва эрта туғруқ билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш, ёшларнинг таълим олиш ва шахс сифатида шаклланиши учун зарур шароит яратишга қаратилган. Бироқ никоҳ ёшининг қонунан белгиланиши фақат ҳуқуқий доира билан чекланиб қолмаслиги керак. Бу масала чуқур ижтимоий, маънавий ва психологик жиҳатларга ҳам эга.

Айниқса, ёшларнинг жисмоний ва руҳий етуқлиги, ҳаётий тажрибаси, мустақил фикрлаши ва касбий тайёргарлиги ушбу қарорнинг амалий натижаларини белгилайди. Бугунги глобаллашув ва рақобат кучайган даврда ёшлар олдида фақатгина оила қуриш эмас, балки мустақил ҳаётга тайёрланиш, билим олиш, касб эгаллаш, жамиятда ўз ўрнини топиш каби муҳим вазифалар ҳам турибди. Қизлар учун олий таълим, касбий малакага эга бўлиш нафақат шахсий ривожланиш, балки келгусида мустақкам ва барқарор оила қуришнинг ҳам муҳим омилдир.

Афсуски, амалиётда университетга кириб оқиб ёки талабалиқнинг илк йилларида турмушга чиқиш

ҳолатлари хануз учраб туради. Бу эса кўплаб мураккаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Талабалик — билим олиш, ўз устида ишлаш, мустақил фикрлашни шакллантириш даври. Оила масъулияти, рўзғор ташвишлари, фарзанд парвариши билан бир вақтда таълим олиш кўпчилик аёллар учун жисмоний ва руҳий жиҳатдан ниҳоятда оғир кечади.

Натижада таълим сифати пасаяди, қизларнинг илмий ва касбий салоҳиятини тўлиқ намоён этишига тўсқинлик юзага келади. Энг ачинарлиси, бу ҳолат жамиятда аёл кадрларга бўлган муносабатга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Яъни “Аёл барибир ўқишни охирига етказмайди”, “Касбий жиҳатдан барқарор бўла олмайди”, деган нотўғри стереотиплар кучайишига сабаб бўлади. Ҳолбуки, замонавий жамият ривожини билимли, мустақил фикрловчи ва касбига содиқ аёл кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди.



Тиббий тадқиқотлар ҳам шунини кўрсатадики, она бўлиш учун энг яхши давр тахминан 20-34 ёш оралиғидир. Ушбу ёш даврида ҳомиладорлик натижалари кўплаб тадқиқотларда нисбатан ижобий бўлиб, жисмоний ва репродуктив саломатлик муҳити ҳам қўлай ҳисобланади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Умр каштасига туну кун бедор, нозик қўли билан зеб берар аёл

Маҳалламизда қўли гул ҳунармандлар жуда кўп. Уларга қараб, жуда ҳавасим келади. Ўз ишига меҳр қўйиб, ҳатто кечалари ҳам игна ва игга ошно бўлиб, рўзғорига барака киритаётган аёллар жамият равнақи учун ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани нақадар яхши.



Сарвиноз ҚОДИРОВА,
Нурота туманидаги
Эшон Судур номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.

ундай меҳнаткашларимиздан бири — каштачи Зарина Ҳамидова. У асос солган “Suzani Zarina” номли бренд остидаги ҳунармандчилик маҳсулотлари АҚШ, Россия, Туркия, Қирғизистон, Тожикистон, Германия, Исроил, Афғонистон каби қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

— 2004 йилда 10 нафар қиз билан иш бошлаган эдик, — дейди “Шуҳрат” медали соҳибаси Зарина Ҳамидова. — Бугунги кунда жамоамиз сони 600 нафардан ошди. Ишлаб чиқариш қўламини кенгайтгани ва фаолиятимиздаги ютуқларнинг барини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биз — аёл тадбиркорларга берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар натижаси, деб биламан. Шу тўғйили жаҳон бозорига чиқдик, йирик ва нуфузли компаниялар фаолиятимизга қизиқиб, ҳамкорлик қилишга қорламоқда. Юртимиздаги қатор туризм шаҳарларида ҳам маҳсулотларимиз савдосини йўлга қўйганимиз.



Каштачилик маҳалламиз тадбиркорлигининг муҳим йўналишларидан бири саналиб, шу орқали опа-сингилларимизнинг бандлигини таъминлашга эришянимиз. Қизларни мазкур санъат синоатларидан воқиф этиш, шу орқали ижтимоий ҳунар эгаси қилиш мақсадида ўқув курслари ҳам ташкил этилган. Уларда хотин-қизлар Нурота каштачилиги билан бирга, харидор-гир Бухоро зардўзчилиги ҳам ўрганиб, ўз маҳсулотларини кун сайин хорижий сайёҳлар ташрифи ортиб бораётган “Чашма” мажмуаси кўргазмаларида тақдим этапти.

Аслида, оилада қиз фарзанд тарбия қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири — унга иш ўргатиш, бўш вақтидан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Шу боис қадимдан момоларимиз кичик ёшданок набираларини ёнига олиб, чок тикишни ўргатишган. Каштачилик эса қизларда дид ва дунёқарашни ўстиради. Қалбини санъатга ошно қилиб, ҳар бир ишга ижодий ёндашишни ўргатади. Қолаверса, ҳунар эгаси қилиш орқали ёшларни оилага ва турмуш синовларига тайёрлаган бўламиз.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

18 ЁШ, БУ — ОИЛА ҚУРИШДЕК МАСЪУЛИЯТЛИ ҚАРОР УЧУН ЗАРУР ИМКОНИЯТ

Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонун билан Оила кодексига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёш этиб белгилангани замон талабларига мос, халқаро мезонларга мувофиқ қадам бўлди.



Мамлакатимизда эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёшининг 18 ёш этиб белгиланиши хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослашиш йўлидаги муҳим ва тарихий қадам бўлди. Ушбу меъёр эрта никоҳ билан боғлиқ кўплаб ижтимоий, тиббий ва психологик муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, никоҳ ёшининг қонуний чегараси йигит-қизларни айнан шу ёшда турмуш қуришга ундовчи омил сифатида талқин қилинмаслиги лозим. Аксинча, бу ҳуқуқ ёшларнинг онгли, пухта ўйланган ва

масъулиятли қарор қабул қилиши учун яратилган имконият. Ҳар бир йигит ва қиз, аввало, ўзининг жисмоний ва руҳий ҳолати, ҳаётий мақсадлари, таълим ва касбий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда никоҳ масаласига ёндашиши зарур.

Демак, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида етуқлик, билим ва масъулият устувор бўлиши лозим. Аввало, таълим, сўнг қасб, ундан кейин эса бахтли оила бугунги замон талаб қилаётган тўғри ҳаётий кетма-кетлик. Айнан шу ёндашувгина мустақкам оилалар, соғлом оналар ва бахтли фарзандлар жамиятини барпо этишга хизмат қилади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНМОҚҚА ҲАР ВАҚТ ФУРСАТ ТОПИЛАДИ

Аёл кишининг зиммасига юклатилган вазифалар жуда кўп. Биринчи навбатда, улар рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбиясига масъул ҳисобланади. Имкони етган, бирор касб эгаси бўлганлар эса даромад топиб, турмуш ўртоғига дастак бўлади. Лекин қўлидан ҳеч иш келмайдиган, бирор ҳунарнинг бошини тутмаганларга анча қийин...

Муқаддасхон КАРИМОВА,
Анджон вилояти хотин-қизлар
тадбиркорлик маркази раҳбари.

Шу муаммага ечим сифатида марказимиз аёлларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришда катта ёрдам берапти. Хотин-қизлар, асосан, уй меҳмонхона, уй богча, гўзаллик сало-ни, иссиқхона ташкил этиш, богдорчилик, қорвачилик, куёнчилик, асаларичилик, тикувчилик, пазандалик, қандолатчилик ва компьютер саводхонлиги йўналишлари бўйича 60 соатлик махсус ўқув курсларига жалб этилган.



— Мен “Аёллар дафтари”да турар эдим, — дейди Андижон шаҳридаги “Хўтарик” маҳалласида яшовчи Насибатхон НАЗИРОВА. — Чеварчилик ҳунарим бўлса-да, бирор жойга ишга қиролмай анча қийналдим. Маҳалла хотин-қизлар фаоли тавсияси билан марказга келиб таҳсил олдим. Тикувчилик бўйича билим ва малакамни оширдим, тадбиркорлик кўникмаларини ўргандим. Шундан сўнг субсидия асосида бир нечта тикув машинаси олиб, ўз фаолиятимни бошладим. Болалар, аёллар либосларини тикишни йўлга қўйдим. Ундан ортиқ шогирдлар олдим. Ишларим юришиб, қисқа вақтда фойда қўришни бошладим.

Ўтган йили “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган, тадбиркорлик қилиш ёки касб-ҳунар ўрганиш истагидаги 6 минг 800 нафар хотин-қиз марказимизни тамомлашди. Сертификат олган аёллар лидер ва тажрибали тадбиркорларга бириктирилди.



Талабаларнинг ўқиши учун шартнома тўловларини ИШ БЕРУВЧИЛАР ҚОПЛАБ БЕРИШ ҳамда уларнинг таълими яқунлангач, ишга қабул қилиш тартиби белгиланди.



Эндиликда чегарада автотранспорт воситаларини кўздан кечириш ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ томонидан амалга оширилади.



Оила кодексига киритилаётган ўзгартиришларга кўра, ОТАНИНГ ИСМИНИ БОЛАГА ФАМИЛИЯ СИФАТИДА БЕРИШ мумкин бўлади.

2026 йил
14 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№3

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР —
ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Ари болни машаққат-ла йиққанидек, даромад ҳам осон йиғиб олинмайди

Йигит-қизларга имкон берилса, улар тоғни талқон қилгудек куч ва салоҳиятини, албатта, ишга солади. Бугун кўплаб маҳалла ёшлари ана шу ишончдан куч олиб, ўз йўлини топмоқда.



Муниса ЮСУФНАЗАРОВА,
Бўстонлик туманидаги
“Угам” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Шундай ташаббускорлардан бири — Отабек Рискимов. У “еттилик” кўмаги билан 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, асаларичилик фаолиятини йўлга қўйди. Дастлаб атиги 10 та асалари оиласидан иш бошлаган қаҳрамонимиз бугун уларнинг сонини 50 тага етказди. Отабек қисқа вақт ичида фақат асаларичилик билан чекланиб қолмади. У қўшимча даромад манбаи сифатида қуёнчиликни йўлга қўйди. Ҳозирда у зотдор қуёнларни боқмоқда. Бу қуёнлар алоҳида парвариш талаб қилади — ўзига хос ем билан боқилади, ҳар қандай озукани истеймол қилавермайди. Лекин Отабек бу ишнинг яна сир-асрорини ўрганиб, масъулият билан ёндашапти.

Асаларичилик эса осон иш эмас. Отабекнинг айтишича, асаларига қараш ёш болани парваришлагандек алоҳида эътибор талаб қилади. Уларни 18-20 даража илик ҳароратда сақлаш керак, вақтида кўчириш, озиклантириш, касалликдан асраш зарур. Бунинг эвазига эса барака келади. Утган йилнинг ўзида Отабек 600 килограмм асал олди. Бугун унинг маҳсулотига талаб юқори, харидори кўп.

Энг қувонарлиси, Отабек ўз тажрибасини бошқалардан аямади. Бугун у ёшларга асаларичиликни ўрганишни, бу соҳага кириб келишни маслаҳат берапти. Чунки асалари фақат даромад манбаи эмас, табиат учун ҳам жуда фойдали. Баҳор фаслида дарахтларнинг гуллари-ни чанглатади, ҳосилдорликни оширади. Асалнинг шифобахш хусусиятлари эса ҳаммага маълум.



Бугун Отабек Рискимов асаларичилик фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. У 100 миллион сўм миқдорида қўшимча кредит олиб, яна 50 та янги асалари оиласини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Бу нафақат унинг ўз даромадини оширади, балки ҳудудда янги иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилади.

Маҳалла кўмагида бошланган ана шундай ташаббуслар бугун ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиряпти, ёшларнинг бандлигини таъминлаяпти. Энг муҳими, ёшларга ишонч бериляпти. Биз, ёшлар етакчилари сифатида шунки кўриб, янада ишонч ҳосил қиляпмиз: имкон ва озгина туртки бўлса, ёшлар ўз салоҳиятини рўёбга чиқаради. Бугун Отабек каби йигитлар эртанги кўнимизнинг таянчи, маҳалламизнинг фахри бўлиб етишмоқда.

ЖАҲОЛАТ — ЖАРЛИК, ДЕМАК

ОФИР ВАЗИЯТДАГИ ОҚИЛОНА ҚАРОР ёшларни пробацция ва профилактика ҳисобидан чиқарди

Мамлакатимизда ёшлар масаласига оддий ижтимоий йўналиш эмас, балки миллий хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт масаласи сифатида қаралади. Айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий хавфли ҳолатга тушиб қолган йигит-қизларни соғлом ҳаётга қайтариш муҳим вазифадир. 2025 йил якунлари шунки кўрсатдики, танланган йўл тўғри бўлди, аммо бу йўл осон кечгани йўқ.



Нодир АБДУҚОДИРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
Ахборот ва медиа хизмати раҳбари.

Бугун биз рақамлар ортида турган тақдирлар, ўз вақтида берилган эътибор ва масъулият самарасини кўриб турибмиз. Утган йили тарбияси оғир деб топилган 51 мингдан ортиқ ёш ҳуқуқ-тартибот тузилмаларининг 4 мингдан зиёд масъул ҳодимига оталиққа бириктирилди. Бу шунчаки назорат эмас, балки инсоний муносабат, тинглаш, тушуниш ва йўл кўрса-тиш жараёни бўлди. Натижада қарийб 49 минг нафар ёш соғлом ҳаёт тарзига қайтарилди, жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмак берилди.

Манзили ёндашув — энг самарали усул эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Масалан, ҳуқ-атвори ижобий томонга ўзгарган 22 мингдан ортиқ ёш масъуллар кафиллиги асосида муддатидан аввал пробацция ва профилактика ҳисобидан чиқарилди. Бу ишонч — ёшлар учун энг катта рағбат. Яна 4,5 мингдан зиёд дарс қолдираётган ўқувчи маҳалла расислари билан ҳамкорликда мактабларга қайтарилди. 2 мингдан ортиқ ёш оила ажралиш ёқасидан олиб қолинди. Бу рақамлар орқасида эса бузилмаган оилалар, етим қолмаган болалар, сақла-ниб қолган умидлар турибди...

...Жиззах вилоятининг чекка маҳаллаларидан бирида шундай ҳолат кузатилди. 19 ёшли йигит мактабни битиргач, ўқишга кирмаган, ишсиз, назоратсиз қолган эди. Отаси Россияда, онаси рўзғор таъмиши билан овора. Бўш вақт, нотўғри давра ва эътиборсизлик уни аста-секин майда ҳуқуқбузарликларга етаклади. Маҳаллада яна бир “муаммоли ёш” пайдо бўлди. Аммо вазиятга бефарқ қаралмади. Профилактика инспектори, маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси биргаликда у билан индивидуал ишлашни бошлади. Энг муҳими — унга ишонилди. Аввал касбга йўналтирилди, кейин спорт тадбирларига жалб қилинди. “Шижоат ва ғайрат” мусобақаларида иштирок этиб, ўзига бўлган ишончини қайта топди. Бугун у доимий ишга эга, маҳалладаги ёшлар учун эса яққол намуна. Агар ўша пайт “кеч бўлди” дейилганида, эҳтимол, бугун рўйхат яна бир жиноят билан тўларди...



Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилнинг 11 ойида ёшлар жиноятчилиги 17 фоизга камайди. Минглаб маҳаллалар “ёшлар жиноятчилигидан холи ҳудуд” мақомини олди. Бу шунчаки статистика эмас, балки жамиятнинг ўзига бўлган ишончи тикланаётганидан далолат.

Хулоса қилиб айтганда, бир ёшни асраб қолиш — бир оилани, бир маҳаллани, баъзан эса бутун жамиятни асраб қолиш демакдир. Тажрибалар шунки кўрсатдики, агар ёшга вақтида қўлоқ тутилса, унга ишонилса ва йўл кўрсатилса, энг оғир вазиятдан ҳам чиқиш мумкин экан. Энди асосий савол шундай: биз бу тажрибани фақат рақамлар билан чеклаб қўямизми ёки уни ҳар бир маҳаллада ҳаёт тарзига айлантирамизми? Шу савол ҳар биримизни ўйлантириши керак.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Қизиқиш ва иштиёқ бўлса, ўрганишнинг ўзи катта завқ

Инсон ҳаётида шундай паллалар бўладики, юрак ниманидир излай бошлайди. Нима эканини аниқ билмасанг-да, ич-ичингда ўзгаришга эҳтиёж туғилади. Мен ҳам ана шундай даврда витраж санъатини кашф қилдим. Ўша пайтда 29 ёшда эдим. Баъзилар учун бу ёш кеч туюлар, аммо мен учун янги йўлнинг бошланиши бўлди...

Маъмура АЗИМОВА,
Тўрткўл тумани
“Беруний” маҳалласи.

Оналик таътилига чиқиб, уйда қолиб кетдим. Аммо ичимда нимадир тинчлик бермасди. Ўша пайтда витраж билан шуғуллана бошладим. 10 кунлик ўқув курсини 5 кун ичида якунладим. Қизиқиш ва иштиёқ бўлса, ўрганишнинг ўзи ҳам завққа айланар экан. Дастлаб ишни ўз уйимда бошладим. Эшик ойналарига нақш тушириб, ранг бериб



кўрдим. Шундан сўнг буюртмалар кела бошлади. Эшиқлар, мебеллар, деразалар, ҳатто уй шифтлари учун ҳам витраж безаклар тайёрладим. Оддий ойна қўл меҳнати билан безалиб, бутунлай бошқа кўриниш касб этарди.

Витраж — бу шунчаки расм эмас, бу сабр, дид ва нозиклик талаб қиладиган санъат. Аввал нақшни қоғозга тушираман, кейин уни ойнага кўчираман. Ҳар бир буюртма алоҳида, ҳар бир мижознинг диди ўзгача. Иш тўлиқ қўл меҳнати билан бажарилади.

Кейинчалик тадбиркор аёл сифатида мустақил фаолият юрита бошладим. Бугун ёнимда 4 нафар ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчасига хунарни ўзим ўргатганман.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Юсуф ОЧИЛОВ. Навоий вилояти:

— 21 ёшдаман, оиламиз “Камбағал оилалар реестри”га киритилган, ҳозирча ишсизман. Агар мен сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаб келсам, хизматдан кейин мени иш билан таъминлаш қайси тартибда ва қайси ташкилотлар орқали амалга оширилади?

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ТУГАТГАЧ, ИШ ТАЙИН БЎЛАДИМИ?

Лазиз ҚАЮМОВ,
Навоий вилояти Ёшлар
ишлари бошқармаси
бошлиғи:


— “Ёшлар дафтари” жамғармалари орқали ижтимоий ёрдам кўрса-тиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармони-га мувофиқ, 2026 йил 1 февралдан бошлаб, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалардаги ёшларга сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни бепул ўташ тартиби жорий этилади. Эндиликда бу хизмат учун аввал мавжуд бўлган субсидиялар ажратиш тартиби бекор қилинади, яъни сиздан ҳеч қандай тўлов талаб этилмайди.




Ҳарбий хизмат билан боғлиқ барча харажатлар Мудофаа вазирлигининг “Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари” махсус ҳисобварағи ҳисобидан қопланади. Энг муҳим жиҳати — ҳарбий хизматни ўтаб келганингиздан сўнг сизнинг жамиятга мослашингиз, ҳаётингизни барқарор йўлга қўйишингиз учун бандлигингизни таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилади. Бу борада сизга маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари, бандлик ташкилотлари ва ёшлар билан ишловчи масъул тузилмалар орқали амалий ёрдам берилади.



2025 йилда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга 14 ТРИЛЛИОН 127,6 МИЛЛИАРД СЎМ йўналтирилди.



2025 йилда Ўзбекистоннинг ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ қарийб 20 миллиард долларга ошиб, янги тарихий рекорд — 66,3 миллиард долларга етди.



2025 йилда ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДА ЭКСПОРТ ҳажми 1,5 миллиард долларни ташкил этди.

6

Mahalla

№3

2026 йил
14 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИНТИЛГАНГА
ИМКОНияТ ЧЕКСИЗ

Иш ва оила масъулияти ирода ва матонатдан далолат



Жамият тараққиёти, инсонлар ҳаётида ижобий ўзгариш ясашда ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган, меҳнатдан қочмайдиган, масъулият ва виждонни ҳаётининг мазмунига айлантирган фидойи кишиларнинг ҳиссаси катта.

Парахат ҚОЗОҚБОЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси
матбуот котиби.

Ана шундай намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган инсонлардан бири — Хўжайли туманидаги Саришунгул овул фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган Гулнора Нуриμβетовадир.

Ҳозирги кунда у Хўжайли тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида супервайзер сифатида самарали меҳнат қилиб, маҳаллада ижтимоий хизматларни ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва ечим топишда жонбозлик кўрсатиб келяпти. У ўз ишини пухта билиши, масалага масъулият билан ёндашиши, ҳар қандай бошлаган юмушини охиригача етказиши билан жамоада алоҳида ҳурматга сазовор.

Гулнора Нуриμβетова нафақат ўз вазифасини сидқидилдан бажаради, балки тумандаги барча ижтимоий ходимларга билим ва тажрибасини улашишда ҳам анча фаол. Уларни ўқитади, йўл-йўриқ кўрсатади, самарали ишлашлари учун зарур бўлган қуникма ва билимларни шакллантиришга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, у жамоанинг таянчи, ишончли маслаҳатчиси ва устози ҳисобланади.

Шу билан бирга, у меҳрибон она сифатида ҳам ўз бурчини шараф билан адо этмоқда. Яққа ўғлини ва танпарвар, меҳнатсевар ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга бор куч-гайратини сарфлаяпти. Иш билан оилавий масъулиятни уйғун олиб бораётгани эса унинг иродаси ва ҳаётий матонатидан далолат беради.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Тўкин-сочин яшайман, деган одамга бугун барча шароит муҳайё. Ўқиб-изланиш, ҳунар эгаллаш, янги лойиҳа ва ғояларни амалга ошириш учун давлат қўллаб-имкониятларни тақдим этаётгани айни ҳақиқат. Орамизда гарчи ногиронлиги бўлишига қарамай, ўз устида мунтазам ишлаётган, кўмак ва ёрдамдан муносиб тарзда фойдаланиб, рўзгорига барака киритаётганлар анчагина.

Маҳлиёбону ФАҲРИДДИНОВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги
“Обод” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Бунини айни вақтда маҳалламизда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 72 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро билан манзилли ишлаш натижасида уларнинг ҳаётий қарашларини ижобий тарафга ўзгартиришга, ижтимоий фаоллигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Тақдим этилаётган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари уларнинг яшаш шароитини янада осонлаштиришда дастак бўляпти.

Ўтган йил давомида идорамизда 500 тадан ортиқ мурожаат қабул қилинган бўлиб, уларнинг 90 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилди. Бу эса жорий этилган тизимнинг амалий самарадорлигини яққол намоён этмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш йўналишида сезиларли ишлар амалга ошириляпти.

Инсонлар ҳаётидаги кичик ўзгариш — биз учун катта қувонч



II гуруҳ ногиронлиги бўлган Шахло Нурматовани қийин шароитда яшаётганини инобатга олиб, “Камбағал оилалар реестри”га киритдик. Кўрсатилган хизматлар доирасида унга олти ойлик ҳамда газ ва электр энергияси учун моддий ёрдам ажратилди.

Шунингдек, “Вақф” жамғармаси орқали мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келиняпти. Саломатлигини тиклаши учун санаторийга навбатга қўйилди.

Яна бир фуқаро Турдиали Нурматов ҳам “Камбағал оилалар реестри”да туради. Ногиронлиги бўлган шахс сифатида санаторийга навбатга қўйилди ҳамда тиббий кўриқдан ўтказилди. Унинг фарзанди Умиджон Нурматов эса касб-ҳунарга йўналтирилиб, ҳозирги кунда электр монтаж соҳасида фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат қилган инсон, албатта, шунга муносиб тарзда бунинг натижасини ҳам кўради. Айниқса, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаб туриши қўллаб муаммоларни тез ва осон енгиб ўтишга замин яратади. Шу маънода биз “еттилик” ходимлари халқнинг доимий кўмакчиси. Уларнинг ҳаётидаги кичик бир ўзгариш ҳам биз учун катта қувонч бағишлаши шубҳасиз.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Барқарор ҳаёт учун мустаҳкам қадам

Когон туманидаги “Тараққиёт” маҳалласида яшовчи Насиба Ойлиеванинг ижтимоий аҳволи хатлов жараёнида атрофлича ўрганилди. II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро сифатида у бир қатор ижтимоий хизматларга муҳтож экани маълум бўлди. Шундан сўнг “кейс” очилиб, ёрдам кўрсатишга киришилди.



Зарнигор НАФИДДИНОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХЎҲАЕВА
тайёрлади.

Биринчи навбатда, Насиба опанинг уйида санитария шароитлари яхшиланди. Психологик жиҳатдан қўллаб-қувватланди, яқин қариндошлари билан муносабат-

ларини тиклашда амалий кўмак берилди. Шу билан бирга, унинг фарзанди мактабда ташкил этилган бепул курсларга жалб этилиб, таълим масаласида ҳам ёрдам кўрсатилди.

Фуқарога бола нафақаси учун ариза топширилиб, ижобий ҳал этилди. Табиий газ ва электр энергияси бўйича меъёрдан ошган харажатлар учун компенсация расмийлаштирилди. Қуз-киш мавсумида эса иссиқ уйда яшаши учун бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Натижада у коммунал тўловлар бўйича молиявий қийналишларсиз мавсумни ўтказиш имконига эга бўлди.

Ҳунар ўрганиши учун аёл тўқувчилик курсига ўқишга юборилди ва ақунда сертификатга эга бўлди. Шунингдек, унинг соғлигини яхшилаш бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва реабилитация марказига йўлланма бериш каби чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Хонадон вакиллари “Камбағал оилалар реестри”га киритилиб, ижтимоий ҳимоя тизимининг доимий назоратига олинди. Кўрсатилган барча кўмаклар Насиба опанинг турмуш шароитини яхшилаш, соғлигини тиклаш, бандлигини йўлга қўйиш ҳамда оиланинг барқарор ҳаётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

“УНУТИЛГАН ЭСКИЛИК, БУ — ЯНГИЛИК”

...Адашмасам, уч ёшлар атрофида эдим. Отам янги ўтов олиб келди. Олдин ҳам ўтовимиз бор эди, лекин янгисининг қад ростлашини тенгдошлар билан бирга қизиқиб кузатдик...

Қаюм БОЙМИРОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

Аввало, ўтов учун муносиб жой танланди. Бу жой текис бўлиши, шамол, ёмғир ёки қор сувлари тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаслигига эътибор қаратиларди. Албатта, жой танлаш учун қишлоғимизнинг ёши улуглари ёрдамга чақириларди. Хомашё сифатида фақат чидамли, эгилувчан толдан фойдаланилди. Сабаби, бу маҳсулот синмайди ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

Аслида, ўтовнинг қурилиш жараёни уч босқичда амалга оширилади. Дастлаб, керега (ёғоч панжара), ундан сўнг шанарақ (қора уйнинг том қисми), сўнгги босқич увик (тирғақ), деб юритилади.



Қадимдан ўтовнинг 6, 8, 12 қанотли турлари мавжуд бўлган. Одатда 6 қанотли уйлар ёш оилалар учун махсус тикилган, 8 қанотли уйлар эса оиладагилар сони кўпайганидан сўнг ишлатилган. Энг ийрик — 12 қанотли уй қишлоқ ташқарисидаги “Маслаҳат тепа”га тикилиб, унда оғалар, яъни бийлар ва беклар эл-юрт тақдирини билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал қилиш учун йиғилган.

Кераганинг орқа томонига қамишдан бир хил ўлчамда ва бир хил шаклда пахта ип билан чий тўкилади. Аёллар эринмасдан чийни чиройли шаклда териб чиқади. Улар тартиб билан туташгани боис худди битта ўрамдек кўринади.

Шанарақ — ўтовнинг энг муҳим қисми бўлиб, у гумбазсимон доирадан иборат бўлади. Шанарақнинг ўртасига эгилиб ишланган икки қаторли ярим доира ёғоч “туғин” қўйилади. Айнан ушбу туғин қора уйни бошқа халқлар ўтовидан ажратиб ту-

ради. Ўтов қуриш жараёнида унинг марказини танлаб, шанарақни бир киши ўқлов ёрдамида кўтариб туради. Унинг устига алоҳида ипак ва жун билан аралаштирилган туйнук ташланган. Шанарақ ўтовнинг тепасини очиб-ёпиш имконини берган.

Уйнинг яна бир қисми эрганақ (ергек), яъни эшик деб юритилади. У уйма нақшлар билан безалади ва қизил рангга бўялади.

Қиш вақтида иссиқликни сақлаш учун чийнинг устидан қийиз ташланган. Уни бириктириш учун билдов (боғлов) ўралган ва эшикнинг ёнига боғлаб қўйилган. Қора уй безак буюмларининг барчаси қўлда ишланган, яъни ўрмакда тўқилган. Кигиз, асосан, қўй, арқон эса туя жунидан тайёрланган. Шу жиҳати билан у ўзига хос кўриниш ва манзара касб этган.

Ўтовнинг ўнг томонида ёшга қараб эркаклар, чап томонида хотин-қизлар ўтиради. Ўнг томон муқаддас ҳисобланган ва эркаклар ўтирган ўринни хотин-қизлар босиши қатъий тақиқланган. Ўтовнинг эшиги паст бўлгани учун ичкарига энгашиб кирилади. Бу уйга таъзим қилиб кириш зарурлигини англатади.

Шу тариқа ўтовни тиклаш ишлари бажарилган. Бу каби хотираларни эслашдан мурдао — “унутилган эскилик, бу — янгилик” деганларидек, келажақ авлодга тарихий анъаналар ҳақида маълумот бериш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришдан иборат. Қолаверса, инсон ўзлигини англашни, олдига катта режа ва мақсадлар қўйишни ўтмишини ўрганишдан бошлаши жуда муҳим.



Ўзбекистонда
СОЛИҚ
МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ
ИХТИЁРИЙ
БАЖАРИЛИШИ
97 фоизга етди.



Андижон шахридаги
Президент мактаби
ХАЛҚАРО ИМТИХОНЛАР
МАРКАЗИ
сертификатини олди.



Ҳукумат қарори
билан Малайзия ва
Индонезиядан
жалб қилинган
ҲАР БИР САЙЁҲ УЧУН
СУБСИДИЯ берилади.

2026 йил
14 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №3

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

Солиқлар қаерга сарфланганидан ҳар бир фуқаро хабардор бўлади

Ишга кетаётганда маҳалламиз кўчасидан ўтамиз. Йўл равон бўлса, чироқлар ёниб турса, сув таъминоти узилмаса, бунга кўпинча оддий ҳолдек қараймиз. Аммо бир кун йўл бузилса ёки қоронғу кўчада юришга тўғри келса, дарҳол савол туғилади: “бу ишларга ким жавобгар?”, “нега маҳалламиз обод эмас?”. Шу каби саволларга жавоб излар эканмиз, кўпинча бир нарсани унутиб қўямиз: маҳалла тараққиёти, аввало, ўзимиздан — солиққа бўлган муносабатимиздан бошланмайдими?

Шахноза ХАЛИЛОВА.

Солиқ, бу — шунчаки давлатга бериладиган тўлов эмас. Солиқ, бу — йўлимиз, сувимиз, ёруғлигимиз, болаларимиз ўқийдиган мактаб, ота-оналаримиз даволанадиган шифохонанинг пойдевори. Шу маънода Президентимизнинг “Солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва фаол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўз вақтида қабул қилинган, халқ манфаатларига хизмат қилувчи ҳужжатдир. Ушбу қарорнинг марказида битта асосий ғоя туради: солиқ нафақат мажбурият, балки маҳалла ва жамият тараққиётига қўшилган ҳисса.

Энди ҳар бир фуқаро ўз солиқлари қаерга сарфланаётганини билиш имконига эга бўлади.



Аввало, солиқ маданияти катта минбарлардан эмас, балки ҳар бир оиладан, ҳар бир тадбиркордан, ҳар бир маҳалладошдан бошланади. Масалан, йиғиндаги новвой солиқни ўз вақтида тўласа, у фақат давлат олдида эмас, кўни-қўшниси олдида ҳам масъулиятни ҳис қилган бўлади. Чунки айнан шу солиқлар эвазига маҳаллада ичимлик сув яхшиланади, ички йўл таъмирланади, кўча чироқлари ўрнатилади.

Президентимиз қарориди маҳалла институтига алоҳида ўрин берилган. Энди маҳалла фақат ижтимоий масалаларни ҳал қилувчи бўлган эмас, балки солиқ маданиятини юксалтиришда ҳам фаол иштирок этувчи кучга айланмоқда. Шу мақсадда 2026 йилдан бошлаб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” номинацияси жорий этилиши белгиланди.

Бу нима дегани? Масалан, бир маҳаллада тадбиркорлар кўп, ўзини ўзи банд қилганлар расмий рўйхатдан ўтган, аҳоли мол-мулк ва ер солигини вақтида тўлайди. Натижада бу маҳалла йил якунида энг яхши солиқ тўловчи маҳаллалар қаторига кириши мумкин.

Шунингдек, ҳужжатда фаол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш аниқ ва очик белгиланган. Ҳар йили солиқ тўлашда илғор 100 та маҳалланинг ҳар бирига 2 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Энг муҳими, бу пул қаерга сарфланишини маҳалла-

нинг ўзи ҳал қилади: йўлми, сувми, электр тармоқларими — барчаси маҳалладошлар қарори билан амалга оширилади.

Бундан ташқари, қарорда солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигига ҳам катта эътибор қаратилган. 2026 йилдан “Очиқ бюджет” порталида жисмоний шахслар тўлаган солиқлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар ҳақидаги маълумотлар эълон қилиб борилади. Энди ҳар бир фуқаро ўз солиқлари қаерга сарфланаётганини билиш имконига эга бўлади.

Бу очиклик жамиятда ишонч муҳитини шакллантиради. Ишонч бор жойда эса ихтиёрий тўлов, масъулият ва фаоллик кучаяди. Бу қарор — солиқни фақат давлат манфаати эмас, балки ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир инсон манфаати билан боғлаб берувчи муҳим қадамдир.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ДАРОМАД ҚАЧОН ОШАДИ?

Ўлмас АШУРОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси:

— Мен тадбиркор сифатида маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ташкилоти орқали пул маблағи кўринишида моддий ёрдам кўрсатмоқчиман. Мазкур маблағлар учун солиқ мажбуриятлари белгиланадими?

ҲОМИЙЛИК МАБЛАҒЛАРИ СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛГАНМИ?



Холмурзо БЕКЧОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Давлат рўйхатидан ўтган ҳомийлик ташкилоти орқали эҳтиёжманд оилаларга пул маблағи кўринишида кўрсатиладиган моддий ёрдам Солиқ кодексининг 78-моддасига мувофиқ, солиқ солинмайдиган даромадлар қаторига киради. Хусусан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ёки “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар аъзоларига тўғридан-тўғри пул маблағлари шаклида берилган ҳомийлик хайриялари солиқ даври мобайнида БҲМнинг юз бараваригача бўлган миқдорда даромад солиғидан озод этилади. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан кўрсатиладиган пул маблағлари тарзидан ёрдам ҳам солиқ даври мобайнида ўн беш миллион сўмдан ошмаган тақдирда солиққа тортилмайди. Демак, сиз ажратмоқчи бўлган ҳомийлик маблағлари белгиланган меъёрлар ва қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилса, улар буйича солиқ мажбуриятлари юзага келмайди.

“Фаолиятим барқарор ва ўз ишимда хотиржамман”

Авваллари “маҳалламизга солиқчилар келади”, деса, ҳаммада бир хавотир пайдо бўларди. Кимнингдир ҳужжати етишмайди, кимдадир ҳисоб-китоб хато чиқади ва кўпинча бу жарима билан якунланарди. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. Энди солиқ инспекторлари маҳаллага жазолаш учун эмас, балки тушунтириш, кўмаклашиш ва муаммони биргаликда ҳал қилиш учун келмоқда.



Нафосат ҒАФУРОВА.
Тўртқўл тумани
“Ёшлик” маҳалласи.

Бунимен ўз ҳаётим ва фаолиятим мисолида яққол ҳис қилдим. Маҳалла хотин-қизлар фаоли тавсияси ва ҳоким ёрдамчисининг кўмагида 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, қандолатчиликни йўлга қўйдим. Фаолиятни бошлаш жараёнида солиқ инспектори биз билан доимий алоқа-

да бўлди. Қандай тартибда рўйхатдан ўтиш, ҳужжатларни қандай расмийлаштириш ва қайси турдаги солиқни қандай тўлаш кераклиги менга босқичма-босқич тушунтирилди. Шу сабабли банк тизимида расмий рўйхатдан ўтиб, иш фаолиятини қонуний асосда бошлаш имконига эга бўлдим. Бугунги кунда ўз ишимни ишонч билан ва муваффақиятли давом эттиряпман. Буюртмага қараб тўй ва байрамлар учун тортлар тайёрлаймиз. Энг қувонарлиси, бу фаолият орқали на-

фақат ўзим даромад топпаман, балки 7 нафар ёш қизга устозлик қилиб, уларга хўнара ўргатаяпман. Бугун фаолиятим тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида БҲМнинг бир баравари миқдоридида солиқ тўловларини ўз вақтида ва мунтазам амалга ошириб келмоқдаман.

Солиқни вақтида тўлашнинг афзалликларини эса бугун амалда кўряпмиз. Биринчидан, фаолиятимиз қонуний ва барқарор бўлмоқда. Иккинчидан, кредит олиш, банк тизими билан ишлаш ва фаолиятни кенгайтириш имкониятлари очилмоқда. Энг муҳими, ўз ишингни хотиржам, ишонч билан олиб бориш учун мустақам замин яратилмоқда. Шу жараёнда солиқ инспектори биз учун бегона эмас, балки яқин ҳамкор ва маслаҳатчига айланган. “Маҳалла еттилиги” доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда, солиқ ходимлари эса масалани жойида ўрганиб, ортиқча овозгарчиликсиз ечим топишга ҳаракат қияпти.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Ҳар қандай жаримадан, аввало, кўмак афзал

Бугун маҳаллада ишлаш услубимиз тубдан ўзгарди. “Маҳалла еттилиги” аъзолари билан бирга солиқ тушумларини ошириш, аҳолига қўшимча даромад манбалари яратиш йўлида бир ёқадан бош чиқариб ишляпмиз. Энг муҳими, энди солиқ фақат ҳисобот ёки талаб эмас, балки маҳалла ривожига хизмат қилаётган аниқ воситага айланди.

Шоҳжаҳон ТУРСУНОВ,
Қарши шахридаги “Махсимобод”
маҳалласи солиқ инспектори.

Аҳоли тўлайдиган солиқ тушумларининг 10 фоизи йиғинда қолаётгани катта имконият яратди. Бу маблағлар ҳисобига раис маҳалладаги қўллаб муаммоларни жойида ҳал қияпти. Ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, камчиликлар қаратараф этиляпти. Аҳоли эса солиқнинг фойдасини ўз кўзи билан кўриб, тушуниб бормоқда.



Ҳозирги кунда Солиқ қўмитаси бизни зарур техник воситалар билан таъминлаган. Ишмизни маҳалланинг ўзида, аҳолига яқин жойда ташкил қиялпмиз. Бу эса вақтни тежайди ва муаммони тез ҳал қилишга ёрдам беради. Фаолиятимиз КРП тизими асосида баҳоланади. 23 та аниқ мезон буйича ишляпмиз. Бу тизим бизни тартибли, масъулиятли ва натижага йўналтирилган ҳолда ишлашга ўргатди. Энг қувонарлиси, бугун солиқчи жарима солувчи эмас, ёрдам берувчи мутахассис сифатида қабул қилинмоқда.

Тадбиркорлар ҳузурига борганда камчилик топсак, дарҳол жарима қўлламаймиз, аввало, тушунтирамиз. Камчиликни ўзлари билан бирга жойида бартараф этамиз. Келажакда хато қилмасликларини учун йўл кўрсатамиз. Шу сабабли тадбиркорлар биздан ўзини олиб қочиш ўрнига, аксинча маслаҳат сўраб мурожаат қилади.

КРП буйича ўтган йили 100 балл олганим ва бу меҳнатимни Солиқ қўмитаси муносиб рағбатлантиргани мени янада руҳлантирди. Бугун солиқ тизимида яхши ишлаган ходим моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса бизни янада масъулият билан ишлашга ундайди. Маҳалламизда ҳозирда 2 458 нафар аҳоли яшайди. 537 та хонадон бор. Аҳолининг кўпчилиги тадбиркорлик билан шуғулланади. “Маҳалла еттилиги” билан бирга солиқ базасини кенгайтириш, яширин фаолиятларни қонунийлаштириш устида ишляпмиз. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг кичик бизнесга ўтишга ёрдам берапмиз. Фаолияти тўхтаб қолган тадбиркорларга ишини қайта йўлга қўйиш учун кўмаклашпмиз.

Бугун солиқчи — маҳалла ҳаётининг ажралмас бўлагига айланди. Чунки биз муаммолар ортида имкониятлар борлигини чуқур ҳис қилган ҳолда ишляпмиз. Шу йўлда эришилган ҳар бир натижа нафақат солиқ тизимининг самарадорлигини кўрсатади, балки маҳалла ва аҳолига кўпроқ хизмат қилишимизга, уларнинг ҳаётини яхшилашга кўмаклашади.



“ОЛИМПИА
ШАҲАРЧАСИ”
23 февраль — 5 март
кунлари дзюдо бўйича
катталар ўртасидаги
“Катта дубулға” халқаро
турнирига мезбонлик
қилади.



САРВИНОЗ
БЕКМУРОДОВА
12 ёшида хотин-қизлар
ўртасида Ўзбекистон
тарихидаги энг ёш
ФИДЕ спорт устаси
унвонига сазовор бўлди.



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ
дунёнинг энг кучли
6 нафар гроссмейстери
билан “FIDE freestyle”
чемпионатида
қатнашади.

8

Mahalla

№3

2026 йил
14 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ

Тинч ҳаётимизнинг хушёр ва ҳамиша огоҳ посбони

14 январь — бу сана Ўзбекистон тарихида оддий байрам эмас, балки мамлакат мустақиллиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган мард ва жасур инсонларга бўлган юксак ҳурмат ва эътироф рамзидир. Ватанга садоқат, қасамга вафо, жасорат, масъулият ва фидойилик каби асрлар давомида халқимиз онгида шаклланган муқаддас қадриятларни тараннум этадиган кун.



Дилнозаҳон АБДУЛЛАЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори,
психология фанлари доктори
(DSc).

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил этилганига бу йил 34 йил тўлди. Шу қисқа, бироқ мазмунан улкан тарихий давр мобайнида миллий армиямиз мустақил давлатчилигимизнинг ишончли таянчи, чегараларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони сифатида шаклланди. Кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўлам-ли ислохотлар натижасида Қурулли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти изчил мустаҳкамланиб, ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳорати, жисмоний чиниққанлиги ва маънавий тайёргарлиги янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Ҳозирги мураккаб ва зиддият-ли дунё шароитида турли хавф-хатарлар, қурулли туқнашувлар, экстремизм ва трансмиллий жиноятчилик таҳдиди ортиб бораётган бир пайтда ҳар бир давлат учун фақат кучли армия эмас, балки самарали жамоат хавфсизлиги тизими, юксак маънавият ва билимли, ватанпарвар кадрлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ҳарбий ва жамоат хавфсизлиги соҳаларини модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, мактабларда бошланғич ҳарбий таълим сифатини ошириш, ўқувчи ёшларни ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларига тайёрлаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат ва жамоат тинчлигига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг илмий-амалий салоҳияти, бой таълимий тажрибаси алоҳида аҳамият касб этмоқда.



Ватан ҳимоячиси —
бу фақат ҳарбий
қийиндаги инсон эмас.
Бу — жамоат
хавфсизлигини
таъминлаётган офицер,
қонун устуворлиги
йўлида сидқидилдан
хизмат қилаётган ходим,
тинч ҳаётнинг хушёр ва
ҳамиша огоҳ тургувчи
ишончли посбонидир.

Бугун қайси соҳада меҳнат қилмайлик, ҳар биримиз юртимиз тинчлиги, тараққиёти ва бirlлиги учун масъул эканимизни чуқур англашимиз зарур. Ана шу умумий масъулият туйғуси жамиятимизнинг энг катта қудрати, давлатимиз барқарорлигининг мустаҳкам асосидир.



Ушбу сон
саҳифаларидаги
барча мақолалар
матнини
мусахҳиҳ
Феруза
ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.

Ёшларни гиёҳвандлик чангалига
ташлаб қўймаймиз!

Бу вазифа фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг
иши эмас, балки барчамизнинг бурчимиздир

Президентимиз
Олий Мажлис ва
Ўзбекистон халқига
йўллаган Мурожаатномасида ўтган
йили юртимизда
14 мингдан зиёд
гиёҳвандлик жинояти
қайд қилинганини
алоҳида таъкидлади.
Ачинарлиси,
уларнинг 3 мингга
яқинини ёшлар
содир этган.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.



Иддат билан ўзгараётган дунёда гиёҳвандлик хавфи аҳоли генотипи учун энг катта таҳдидга айланиб бормоқда. Афсуски, бугунги глобаллашув даврида бундай хавф-хатар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти. Бу эса наркотик савдолари жиноятларини аниқлашда янги усулларни қўллашни, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашни талаб қилмоқда. Шу боис эндиликда гиёҳвандликни таг-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизда кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинади. Бу борада наркотикларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каналлари-га чек қўйиш бўйича янги тизим яратилди.

Президентимизнинг ушбу Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар тезкорлик билан ички ишлар тизимида амалиётга татбиқ этиляпти. Бу борада маҳаллалардаги профилактика инспекторлари аҳоли ўртасида гиёҳванд моддаларнинг инсон ҳаёти ва саломатлигига нақадар жиддий хавф эканини тушунтириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилиб, махсус қўлланмалар тарқатиляпти. Фуқароларнинг хатти-харакатлари синчиқлаб кузатиляпти.



Яқинда Сергели туманидаги “Қубай тепа” маҳалласи профилактика инспектори, подполковник Музаффар Тўлибаевда Саъдий кўчасида кетаётган йигит қандайдир шубҳа уйғотди. Шу боис уни тўхтатиб, ҳолислар иштирокида текширганида унинг ёнида икки дона кўк селофанга ўралган психотроп модда борлиги маълум бўлди.

— Шундан кейин йигирма олти ёшли Жасурбек исми ушбу шахс билан суҳбат ўтказдик, — дейди Сергели туманидаги “Қубай тепа” маҳалласи профилактика инспектори, подполковник Музаффар Тўлибаев. — Унинг айтишича, ижтимоий тармоқлар орқали наркотик моддаларни тарқатиш бўйича буюртма олган. У суҳбат давомида яна 17 та худди шундай қурилишдаги моддаларни беркитга-

нини маълум қилди. Сўнг ҳолислар иштирокида яширган жойидан 17 та психотроп моддаларни қовлаб олди. Ҳужжатларни расмийлаштириб, тергов органига тақдим этдик.

Сергели тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика инспекторлари ўтказган кенг қамровли тезкор профилактик тадбирлар доирасида аниқланган мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 273-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, гумонланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди. Осон йўл билан мўмай даромад топиш илнжидида ўзгалар ҳаётини захорлашдан ҳам тоймайдиган бу кимса, энди қонун олдида жавоб беради.

Жасурбек қилган ишидан афсусда, бироқ энди кеч. — Профилактика инспектори икки дона наркотик моддасини яширишга улгурмаган ҳолатида пайкаб қолди, — дейди Жасурбек Назиров. — Қилган ишимдан пушаймонман. Ёшларга маслаҳатим, пулга учиб, ҳар хил сайтларга қирманглар. Ўзингиз ва бошқаларнинг ҳаётини бадном қилманглар.



Эслатиб ўта-
миз,
Ўзбекистон
Республикаси
худудида
гиёҳвандлик
моддалар
савдоси билан
шугулланганлик
учун Жиноят
кодексининг
273-моддасига
биноан,
20 йилгача
озодликдан
маҳрум қилиш
жазоси
тайинланиши
мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир ёш — бизнинг фарзандимиз, уларни гиёҳвандлик чангалига ташлаб қўйишга асло йўл қўймаймиз. Ким бу вазифа фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деб ўйласа, хато қилади. Бу барчамизни жиддий ўйлантириши керак. Бу — Президентнинг топшириги, бу — ота-оналарнинг хоҳиш-истаги, бу — жамиятнинг талаби!

МЕНДА САВОЛ БОР...

Келишувни муддатидан олдин бекор қилиш мумкинми?

Феруз ЖЎРАЕВ.
Самарқанд вилояти:

— Масофадан туриб ишлаш бўйича кадр ва раҳбар ўртасида икки йилга қўшимча келишув бўлган. Энди эса раҳбар шу келишувни бекор қилиб, доимий ишга ўтказиш бўйича ҳужжатни сўраяпти. Айтинг-чи, бу бўйича қандай ҳужжат расмийлаштирилади?



Муҳаммадамин КАРИМЖОНОВ,
юрист-ҳуқуқшунос:

— Меҳнат кодексининг 453-моддасига кўра, вақтинча масофадан туриб ишлаш фақат томонларнинг ўзаро розилиги билан белгиланади ва унинг муддати меҳнат шартномасида кўрсатилади. Шу сабабли раҳбар уни бир томонлама бекор қила олмайди. Агар ҳодим рози бўлса, масофавий иш режимини тугатиш ва доимий ишга ўтказиш меҳнат шартномасига тузиладиган қўшимча келишув орқали расмийлаштирилади. Шундан сўнг иш берувчи шу асосда тегишли буйруқ чиқаради.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУРСАТТОРОВ

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.
8 185 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г120

